

Олимпиада - интеллект ойнаси

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг ҚСХЕТ факултети “Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш” кафедраси қошида “Автоматиканинг техник воситалари ва рақамли автоматика” фани бўйича Республика фан олимпиадасининг Институт 1-босқичи ўтказилди. Олимпиадада “Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш” бакалавр таълим йўналиши талабалари фаол иштирок этишди.



Низомда белгиланган тартиб асосида ўтказилган олимпиадада, талабаларнинг энг билимдонлари аниқлаб олинди. Республика фан олимпиадасининг Институт 1-босқич натижаларига кўра:

1-ўрин ТЖИЧАБ йўналиши 304-гурух талабаси Тўраев Тўрабек Каримжон ўғли

2-ўрин ТЖИЧАБ йўналиши 305-гурух талабаси Комилжонов Бекзод Ойбек ўғли

3-ўрин ТЖИЧАБ йўналиши 305-гурух талабаси Раҳматов Сардор Суннатилла ўғли “Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш” фани бўйича олимпиадасида юқори ўринни эгаллаган талабаларни ҚСХЕТ факултети декани А.Ж. Исаков ва ТЖИЧАБ йўналиши кафедраси мудири Р.Т. Газиева фахрий даражали дипломлар билан тақдирладилар.

ТЖИЧАБ кафедраси ахбороти

ТИҚҲММИ матбуот хизмати